

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чика бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 30 ноябрь • № 48 (1225)

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Кабинета Министров Республики Узбекистан

О МЕРАХ ПО РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЕКТА "СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СЛУЖБ ЭКСТРЕННОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ" С УЧАСТИЕМ МЕЖДУНАРОДНОЙ АССОЦИАЦИИ РАЗВИТИЯ

В целях дальнейшего укрепления и развития научной и материально технической базы, совершенствования диспетчерских, коммуникационных и информационных систем службы экстренной медицинской помощи, а также во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2018 года № ПП-3739 "О мерах по дальнейшему углублению и расширению сотрудничества Республики Узбекистан с Соединенными Штатами Америки" Кабинет Министров постановляет:

1. Принять к сведению, что:
 - в рамках официального визита Президента Республики Узбекистан в Соединенные Штаты Америки 17 мая 2018 года подписано Соглашение о финансировании между Республикой Узбекистан и Международной ассоциацией развития (далее МАР) для реализации проекта "Совершенствование служб экстренной медицинской помощи" (далее проект) на сумму 100 млн. долларов США, сроком на 30 лет, включая 5-летний льготный период;
 - вклад Республики Узбекистан

в реализацию указанного проекта составляет в эквиваленте 37,51 млн. долларов США, в том числе в виде предоставления налоговых и таможенных льгот в эквиваленте 25,34 млн. долларов США;

– период реализации проекта составляет шесть лет (2018 – 2024 гг.)

2. Установить, что:

– исполнительным агентством, ответственным за целевое использование кредита МАР и эффективную реализацию проекта, является Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;

– для обеспечения координации работ и услуг, выполняемых в рамках реализации проекта, при исполнительном агентстве на период реализации проекта создается Группа реализации проекта штатной численностью в количестве 16 единиц и содержанием за счет кредитов МАР и бюджетных средств в установленном порядке, с возложением на нее ответственности за обеспечение своевременной реализации проекта, контроль и учет использования средств в соответствии с требованиями МАР;

расходы, связанные с погашением кредита МАР, а также выплатой комиссий и прочих расходов по кредиту, покрываются за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан.

1. Утвердить:

– технико-экономический расчет инвестиционного проекта "Совершенствование служб экстренной медицинской помощи" с основными технико-экономическими параметрами согласно приложению № 1;

– прогнозный график погашения кредита Международной ассоциации развития и выплаты комиссий по проекту "Совершенствование служб экстренной медицинской помощи" согласно приложению № 2.

2. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан осуществлять оплату расходов за услуги по закупке и доставке до места назначения товаров, поставляемых за счет кредита МАР, в пределах утвержденных бюджетных ассигнований, предусмотренных Министерством здравоохранения Республики Узбекистан.

3. Возложить на министра здравоохранения Республики Узбекистан, исполнительное агентство, Председателя Совета

Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента персональную ответственность за:

– обеспечение подготовки помещений медицинских учреждений служб экстренной медицинской помощи для установки и монтажа оборудования, приобретаемого в рамках проекта "Совершенствование служб экстренной медицинской помощи";

– эффективную организацию работы медицинских учреждений служб экстренной медицинской помощи, вовлеченных в проект, в период реализации проекта;

– обеспечение надлежащих условий для реализации проектных мероприятий.

4. Национальной телерадиокомпания Республики Узбекистан совместно с Министерством здравоохранения Республики Узбекистан обеспечить широкое освещение в средствах массовой информации условий, создаваемых для укрепления материально-технической базы и дальней-

шего совершенствования деятельности служб скорой медицинской помощи.

5. Государственному комитету Республики Узбекистан по инвестициям обеспечить координацию, а также регулярное рассмотрение хода реализации проекта "Совершенствование служб экстренной медицинской помощи", с внесением при необходимости в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложений по вопросам обеспечения его своевременной и эффективной реализации.

Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан – председателя Государственного комитета Республики Узбекистан по инвестициям Холмурадова С. Р., заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Абдухакимова А. А. и министра здравоохранения Республики Узбекистан Шадманова А. К.

Премьер-министр
Республики Узбекистан
23 ноября 2018 г.
№ 952
г. Ташкент

А. АРИПОВ

ЯГОНА ЛОГОТИП ТАСДИҚЛАНДИ

Узбекистон Республикаси Вазиirlар Махкамасининг 2018 йил 3 майдаги 334-сонли "Ижтимоий дорихоналар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда "Дори-дармон" АҚнинг 2018 йил 9 июлдаги 09 -11/ 1289 - сонли мувожафти асосида Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 21 ноябрида "Ижтимоий дорихонанинг ягона логотипини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди.

Буйруқнинг иловасига асосан "Ижтимоий дорихонанинг ягона логотипи" тасдиқланди. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирининг "Ижтимоий дорихонанинг ягона логотипини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2018 йил 29 майдаги 346-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Ижтимоий дорихоналар ягона логотипининг асосий кўриниши куйидагича:



IJTIMOIIY
DORIXONA

Халқаро эътироф

ИСТИҚБОЛ ИМКОНияТЛАРИГА МУНОСИБ БАҲО

Ислохот жараёнлари изчил давом этаётган мамлакатимизда яқунлаётган ноябрь ойи Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятида том маънода янги саҳифаларни очиб берди, дейиш мумкин.

Хусусан, "Барқарор ривожланиш мақсадлари даврида Узбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда белгилаб олинган масалалар фикримиз тасдиғидир. Ҳукумат вакиллари, халқаро экспертлари ва жамоат ташкилотлари мутасадиллари иштирок этган нуфузли анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб сўзга чиқиб, тиббиёт соҳасини ислох қилиш мақсадида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига жорий этилаётган концепция бўйича куйидаги фикрларни билдирди:

"Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Узбекистон тиббиётдаги дунёнинг кўлаб давлатларига намуна бўла оладиган тизимли ислохотларни тулақонли қўллаб-қувватлайди. Айниқса, иммунизация ёки



вакцинация борасидаги ишларга қаратилаётган эътиборни алоҳида эътироф этишим лозим. Айтишим керакки, бу сингари амалиётлар, ҳатто Европанинг айрим ривожланган мамлакатларида ҳам қўзғатилмайдиган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2018 йил 26 ноябрдаги 621-сонли буйруғига
2-илова

Жадвал: 1. Ялпи тиббий хатлов натижалари ҳисобот жадвали

№	УАШ участкалари	Жами хатлов билан қамраб олинганлар сони (Рўйхат илова қилинади)	I Соғломлар сони (Рўйхат илова қилинади)	II Мақсадли патронаж контингенти (Рўйхат илова қилинади)	3 Мураккаб, оғир ва ноаниқ беморлар (Рўйхат илова қилинади)
1.					

Жадвал: 2. Аҳолини патронаж хизмати билан қамраб олиш бўйича ҳисобот жадвали

№	Аҳолини тизимли ва мақсадли патронаж билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар	Контингент сони	Жами қамраб олинганлар сони	Аниқланган муаммолар ва камчиликлар	Муаммоларнинг ҳал қилиниш йўли
1.	Парваришга муҳтож бўлган ёлғиз қария, ногирон ва ўзга парваришига муҳтож шахслар патронажи (ойига 1 марта)				
2.	Ёш oilalar патронажи (йилига 2 марта)				
3.	1 ёшгача болалар патронажи (ойига 1 марта)				
4.	Ногирон болалар патронажи (ойига 1 марта)				
5.	Ҳомиладорлар патронажи (ҳар ойда 1 марта)				
6.	Янги туққанаёллар патронажи (туғруқдан сўнг 42 кун давомида 3 марта)				
7.	Тиббий-санитария ёрдами, уй хўжаликлари патронажи ва соғлом турмуш тарзи бўйича суҳбат				

Жадвал: 3. Сурункали касалликка чалинган беморларнинг тиббий кўрик ҳисобот жадвали

Туман/шаҳар ҳудудидаги КТМП, КВП, ҚОП ва ОП	“Патронаж ойлиги” натижасида аниқланган ҳамда мазкур ҳудудда мавжуд сурункали касалликка чалинган беморлар сони	Кўрилганлар		Аниқланган беморлар		Соғломлаштирилиши режалаштирилди					
		Сони	%	Сони	%	Жами		Шундан			
								амбулатор		стационар	
						Сони	%	Сони	%	Сони	%
1.											

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2018 йил 26 ноябрдаги 621-сонли буйруғига
4-илова

“Аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш” ҳудудий штабининг намунавий таркиби

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари-штаб раиси
2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосарлари-штаб раиси ўринбосари

Аъзолар:

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг:

- амбулатор-поликлиника хизмати бўйича бош мутахассиси;
- оналик ва болалик масалалари бўйича бош мутахассиси;
- бош ҳамшираси;
- барча мутахассисликлар бўйича бош мутахассислар (8-10 нафар).

“Аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш” туман/шаҳар штабининг намунавий таркиби

- Туман/шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи-штаб бошлиғи
- Туман/шаҳар тиббиёт бирлашмасининг бошлиғининг оналик ва болалик масалари бўйича ўринбосари-штаб раиси ўринбосари

Аъзолар:

- Кўп тармоқли марказий поликлиника мудир
- Туман марказий шифохонасининг туғруқхона бўлими мудир
- Туман марказий шифохонасининг болалар бўлими мудир
- Туман/шаҳар ташкилий-методик бўлим бошлиғи
- Туман/шаҳар бош ҳамшираси

Шарҳ

ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИДА ЯНГИ ТИЗИМНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

2018 йилнинг 9 ноябрь куни мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги масалаларга бағишлаб, ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари тиббиёт тизимидаги фаолиятларига эътибор қаратиб, амалдаги ишлар қаторида соҳада ўз ечимини қутаётган муаммоларга ҳам атрофлича тўхталди.

Жумладан, барча йўналиш- муҳим эканлигини қатъий таъ-лар қаторида патронаж хизма- кидладилар. Шу ўринда айтиш-тини янада такомиллаштириш муҳимки, Президентимизнинг

соҳага оид айрим эътирозли фикрлари ўринли эканлиги боис ундан тўғри хулоса чиқарган вазирликнинг мутасадди раҳбарлари селектор йиғилишида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Патронаж ойлиги”нинг янги тартибини ишлаб чиқдилар.

Ушбу янги тартибни жорий этиш бўйича 2018 йилнинг 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида навбатдаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов Жиззах вилоятидан тўғри-

дан-тўғри мулоқот тарзида олиб борди ва патронаж хизмати бўйича ишлаб чиқилган янги тартиб йўриқномасига алоҳида изоҳ бериб ўтди. Ай-тиш жоизки, Юртбошимиз жорий йилнинг 15 ноябрь куни

(Давоми 4-бетда).

Шарҳ

ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИДА ЯНГИ ТИЗИМНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида "Қўнғирот" овул фуқаролар йиғинидаги 23-сонли оилавий поликлиникада яратилган шароитлар билан танишганликлари ва фаолиятларга ижобий баҳо берганликларининг гувоҳи бўлди. Улар инсон саломатлиги учун барча шароит ва имкониятлар мавжудлигини кўриб, эндиликда аҳоли билан ишлаш, яъни патронаж хизмати янада кучайтириш лозимлигини айтдилар. Албатта, бу каби эзгу мақсадларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 26 ноябрида "Патронаж ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги 621-сонли буйруғи қабул қилинди. **Ушбу меъёрий ҳужжатни мамлакатимиз тиббиёт муассасалари, кенг жамоатчилик ва аҳоли орасида тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эълмира Баситхонова** аҳолини патронаж хизмати билан тўлиқ қамраб олиш, унинг сифатини янада яхшилаш борасида соғлиқни сақлашнинг барча босқичларидаги муассасаларда тизимли тадбирларни йўлга қўйиш механизмлари ҳақида **қуйидагича шарҳ бериб ўтди.**






(Давоми. Боши 3-бетда).

"Аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш" Республика штаби

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири - штаб раиси
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари - штаб раиси ўринбосари.
3. Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи - штаб раиси ўринбосари.

Аъзолар:

Барча бошқарма бошлиқлари - жами 14 нафар.

Босқич №1. Ялпи тиббий хатлов**Босқич №2. Мақсадли патронаж****2-босқичнинг натижаси****Босқич №3. Селектив патронаж****3-босқичнинг натижаси****ЭЪТИБОР БЕРИНГ**

Пойтахтимизда жорий йилнинг 20 ноябрида вазирлик ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси ва ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Барқарор ривожланиш мақсадлари даврида Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтган эди. Унда ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб қатнашганлигини ва мамлакатимизда тиббиётни ислоҳ қилишга қаратилган узоқ муддатли стратегик дастур, яъни концепцияни эътироф этганлиги бу албатта, халқаро экспертларнинг Ўзбекистон тиббиётига бўлган муносиб баҳосидир.


Жадвал №4. ТТБ (ШТБ) бош шифокори ҳузурида КТМП, ҚВП, ҚОП, ОП раҳбарларининг хатлов, патронаж тадбирлари ва тиббий кўриклар бўйича амалга оширилган ишлар борасида ўтказиладиган тақдимотларининг **намунавий графиги**

№	Муасса-са номи	Тақдимот кун	Тақдимот вақти	Тақдимот ижрочиси	Тақдимот баҳоси (Тақдимотдан сўнг баҳоланади)
1.	ҚВП №1	27 декабрь	09.00.-10.00.	Алимова С.	
2.	ҚВП №2	27 декабрь	12.00.-13.00.	Салимова Р.	
3.	ҚОП №1	27 декабрь	15.00.-16.00.	Валиева К.	
4.	ҚОП №2	28 декабрь	09.00.-10.00.	Камолова Б.	
5.	ҚОП №3	28 декабрь	12.00.-13.00.	Мақсудова Ю.	
6.	ҚОП №4	28 декабрь	15.00.-16.00.	Ҳакимова О.	

2019 йилга белгиланган патронаж муддатлари

1-босқич Тиббий ялпи хатлов	2-босқич Мақсадли патронаж	3-босқич Селектив патронаж
• 2018 йил • ноябрь - декабрь • 2019 йил • Май - июнь	• Ҳар ойда, контингент учун белгиланган патронаж режаси асосида ўтказилади	• Ҳар ойда 2 кун Республика ихтисослаштирилган марказ ходимларининг индивидуал режаси асосида ҳудудларга чиқиши орқали амалга оширилади.


Аҳолини ялпи тиббий хатлов, мақсадли патронаж ва селектив тиббий кўриклар билан тўлиқ ҳамда сифатли қамраб олиш



(Давоми 5-бетда).

Шарҳ

ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИДА ЯНГИ ТИЗИМНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ




“Саломатлик мактаби” қандай ташкил этилади ва аъзолари қимлар? - 10 кишидан иборат гуруҳ



“Саломатлик мактаби” қайси йўналишларда фаолият юритади?




“Саломатлик мактаби” нинг патронажга ёрдами (намунавий):
Оплавий шифокор участкаси 6 та ҳудудга бўлинадиган ва ҳар бир ҳудудга биттадан фаол бириктирилади.



Фуқаролар соғлигини таъминлашда қўйидаги ўзaro боғлиқлик механизми яратилади:



Тарғибот ва таълим дастури



Хўлоса ўрнида айтиш жоизки, тизимдаги муваффақиятлар каторида ўз ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Шундай экан, мазкур буйруқнинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кенг жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз, Президентимиз таъкидлаганларидек, халқимизни рози қилиш ҳар биримизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан бири эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Дил изҳори

ХАЁТХОНГА ХАЁТ БАХШ ЭТИШДИ

Дунёда аслида тинчлик ва саломатликдан ортиқ буюк нўматнинг ўзи йўқ. Шу боис, бугун мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилиб, аҳоли саломатлигини асраш борасида эзгу фаолиятлар йўлга қўйилмоқда. Қайси бир шифо масканида бўлмай, у ерда беморлар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар, соғлиқни сақлаш ходимларининг ўз касбига бўлган садоқати, муомала маданияти, қолаверса, кўрсатилган тиббий хизмат сифати кундан-кунга тақомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўласан, киши. Бу албатта, давлатимиз томонидан аҳоли соғлиғига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Республика перинатал маркази ана шундай тиббиёт муассасаларидан бири ҳисобланади. Бош шифокор Любич Аделина бошчилигидаги жамоа халқимизга беминнат тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Қизим ҳомиладор бўлганида бир неча тиббий қўриқлар ҳомила хавфи борлигини айтиб, болани дунёга келтирмасликни айтишганди. Лекин мазкур муассасанинг юқори малакали мутахассислари керакли тавсияларини бериб, даво муолажаларини олиб боришди. Аммо ҳаммамизда кўрқув бор эди. Қизимнинг ой кўни келиб, фарзандли бўлди. Оиламизга қувонч ҳада этди. Шукрки, қизим ҳам, набирам ҳам соғсаломат. Бунда қўли ёнгли шифокорларнинг ёрдами катта, албатта. Терапевт Керина Елена, УТТ шифокори Лола Сулейманова, УТГ гинеколог Наргиза Усмонова, ҳомиладорлик паталогияси бўлими бошлиғи Диффуза Хаитова, акушер-гинеколог Лола Икрамова, чақалоқларни жонлантириш бўлими бошлиғи Умида Азимова, палата шифокори Ҳилола Шокирова, акушерка Зулфия Мирзабаева ҳамда муассасанинг барча соҳа ходимларига ўз миннатдорчилигини билдираман. Айнан шулар сабаб набирамга ҳаёт бахш этилди. Шу боис, унга Ҳаётхон деб исм қўйдик. Уларни ўтган бўлса-да, тиббиёт ходимлари кўни билан муобрақбод этаман. Халқ саломатлигини йўлаб, бор билим ва тажрибасини ишга солаётган малакали шифокорларнинг ишларига ривож, ўзига эса узок умр тилайман.

Гўзал МУҲИТДИНОВА,
Тошкент шаҳри.

Обуна - 2019

Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2019 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.
Республикамиз тиббиёт тизиминда амалга оширилган ижобий ишлар, шунингдек, тиббиёт ангиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Мунира Собирова, Дилором Тожибоева ва Саноат Алиевларга чекис миннатдорчилигини изҳор этаман. Уларнинг машаққатли ва шарафли ишларига омадлар тилаб, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ ҳамроҳ бўлишини истаб қоламан.

Вазира МУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳри.

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА

Бир неча йиллардан буён саломатлигини тиклаш мақсадида пойтахтимиздаги шифохоналарда даволаниб келаман. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан пенсионер ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилганлигидан ғоят миннатдор бўлмоқдамиз. Айниқса, шифо масканларида яратилган шароит

ҳамда имкониятлар, шифокору хамшираларнинг муомала маданияти, даво муолажалари тезда соғайиб, оиламиз бағрига қайтишимизда муҳим ўрин тутмоқда. Айни кунда Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси тасаруфидидаги кўз касалликлари бўлимида даволанмоқдаман.

Бўлимда соғлом муҳит барқарор бўлиб, малакали тиббиёт ходимлари ҳамда тозалик посбонлари бўлган кичик тиббиёт ходимларининг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Тажрибали шифокорларнинг сифатли тиббий хизматлари туфайли кўзаларим равшанлашиб, соғлиғим яхшилан-

ди. Шу ўринда клиниканинг бош шифокори Еркин Каримов, кўз касалликлари бўлими бошлиғи Баҳодир Билолов, профессор Эркин Билолов, тажрибали шифокор Саида Эгамбердиева, бош хамшира Зумрад Юсупова ҳамда бир-биридан чаккон хамширалар Гулнора Абдуғозиева,

Халқаро конференция

ТАШАББУСКОР ҲАМКОРЛИКНИНГ САЛМОҚЛИ САМАРАСИ

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт
маркази фаолияти мисолида намоён бўлмоқда

Ҳар бир жамият истиқболда ижтимоий аҳамиятга молик соҳалар муҳим ўрин тутishi аниқ ҳақиқат. Ўз ўрнида мазкур соҳалар тараққиётига хизмат қилувчи бир қатор омиллар ҳам борки, улар тараққиётини ўзаро таъриба алмашиш, тизимдаги янгиларни ўзлаштириш ва замонавий ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш имконини берувчи ҳамкорлик алоқалари белгилаб беради. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятида эса аини шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

ди. Шу боис ҳам марказ томонидан аини пайтга қадар Россия Федерациясининг академик С. Федоров номидаги МНТК "Микрохирургия глаза" марказининг Москва шаҳридаги бош муассасаси ва Иркутск филиали, Америка Қўшма Штатларининг "Lions Eye Institute for Transplant and Research" трансплантатология маркази ҳамда Туркия давлатининг "Кудрет Коз" клиникаси билан таъриба алмашиш, ҳамкорликда ишлаш бўйича манфаатли шартномалар имзолашга эришилганлигига алоҳида тўхталди.

Конференция доирасида мамлакатимиз ҳамда Россия, АҚШ, Италия, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Арманистон каби тиббиётни ривожланган мамлакатлардан ташриф буюрган мутахассислар соҳадаги долзарб масалаларга бағишланган маърузаларини иштирокчилар эътиборига ҳавола қилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида бугунги кун-

нида марказ фаолияти учун муваффақият ҳисобланувчи воқеалардан бири – бу Президентимиз белгилаб берган кўрсатмалар асосида, Сурхондарё вилоятида марказ филиалининг ташкил қилинганлигидир. Филиал шароитида яратилган қулайликлар аҳолига вилоят ҳудудининг ўзидан кўз касалликлари йўналишида

ихтисослаштирилган сифатли ва юқори даражадаги тиббий хизматлардан фойдаланишини таъминлайди. Марказ мутахассисларининг таъкидлашича, йиллик иш қўлами ҳамда фаолият давомида белгиланган вазифалар юқори кўрсаткичлар билан ўз вақтида бажариб келинмоқда. Жумладан, марказда йил



Жумладан, жорий йилнинг 8-9 ноябрь кунлари "Кўз микрохирургиясининг долзарб муаммолари" мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция бу борадаги фикрларимизнинг ёрқин ифодасидир. Айтиш керакки, тиббиётни ривожланган ўнга аниқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган 48 нафар жаҳон тиббиётининг таниқли олимлари иштирокида бўлиб ўтган нуфузли анжуманда офтальмология йўналишининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Абдуҳаким Хаджибаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган таълимлаштиришга оид амалларга оширилаётган фаолиятларга



Евгений СИДОРЕНКО, МДХ ва Россия офтальмологлар Ассоциацияси президенти, академик:


– Кузатувчи сифатида давлатларимиз ўртасидаги узоқ йиллик ҳамкорлик алоқаларини юқори баҳолайман. Мутахассислик нуқтаи назаридан сўз юритадиган бўлсам, тиббиёт соҳаси, жумладан, офтальмология йўналишидаги алоқаларимиз ҳам аини шундай давом этмоқда. Айтишим керакки, ўтган давр мобайнида мамлакатингиз мутахассисларининг кўз касалликларининг олдини олиш ва даволаш усулларини амалиётга кенг жорий этиш борасида эришган натижалари эътирофга лойиқ, албатта. Шунингдек, биз эришган муваффақиятлар ҳам уларга янгилан эмас. Яъни, мазкур йўналишда Россия тиббиёти билан ҳамқадар ривожланмоқда. Қўлаверса, бу каби анжуманлар ўтказиш учун ўтланган таъриба, яратилган янгилан ва натижалар салмоғи ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Бенджамин ЛАМБРАЙТ, "Lions eye institute" кўз банки директори, хирург-трансплантолог (АҚШ):

– Мамлакатингиз мутахассисларининг фаолияти билан яқиндан танишман. Шу асосда айтишим мумкинки, кўз касалликларини даволашда АҚШ таърибасида қандай усуллардан фойдаланилса, юртингизда ҳам худди шундай амалга оширилади. Шунингдек, ҳамкорликдаги фаолиятларимиз натижасида давлатингиз раҳбарининг тиббиёт тизимида бўлган эътибори хусусида ҳам чуқур маълумотга эга бўлганман. Очиги, ислохотлар қўлами ҳамда истиқболдаги режалар таҳсинга лойиқ. Бундай конференциялар эса жаҳон тиббиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшади. Сабаби, муҳокама этилаётган масалалар халқаро даражада кўриб чиқилмоқда. Якуни хулосалар ва белгилаб олинган вазифалар, шубҳасиз, офтальмология соҳасида янгича ёндашувлар пайдо бўлишига хизмат қилади.



давомида 600 га яқин глаукомага қарши жарроҳлик амалиёти замонавий технологиялар асосида ўтказилиб, уларнинг 47 фоизи лазер усуллари билан амалга оширилган. Лазер жарроҳлиги бўлимида йилига диабетик ретинопатия, глаукома, кўзининг олд ва орқа қисмларида 2 мингдан зиёд жарроҳлик амалиёти бажарилади. Бундан ташқари, ҳар йили 800 дан ортиқ оптико-реконструктив жарроҳлик амалиётлари (витреоретинал жарроҳлик, гилайлиқни тўғрилаш, птериgiumэктомия, дакриоцисториностомия ва пластик жарроҳликлар) олиб борилади. Марказнинг маслаҳат-диагностика бўлими йилига 46 минг нафардан зиёд беморларни тиббий текширувдан ўтказиш имконига эгадир.



тўхталиб ўтди. Шунингдек, анжуман доирасида кўриб чиқилган масалалар, маъруза ва муҳокамадор таҳлили, улар асосидаги якуний хулосалар кўз микрохирургияси тизимида йўлга қўйилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олишга хизмат қилишини таъкидлади. Шундан сўнг, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори Зафар

Сиддиқов сўзга чиқиб, мазкур анжуман соҳа фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этишини айтиб ўтди. Бундан ташқари, амалиётга жаҳон тиббиёти таърибасини татбиқ қилиш, юқори технологияли аппарат ва замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш таърибасини бойитиш, энг муҳими, кадрлар малакасини оширишда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ўрни катта эканлигини таъкидла-

ди аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий ёндашувларга асос солинмоқда. Жумладан, аини пайтга мамлакатимиз вилоятларининг чекка ҳудудларида истикомат қилаётган аҳолига ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси тиббий хизматини янада яқинлаштириш учун "ISUZU" автобус негизидagi мобил офтальмологик клиникалар иш бошлади. Лойиҳа қўймати 155 минг АҚШ долларига тенг ушбу кўчма клиникалар ҳар бир ҳудудда йилига 4 минг 400 нафар беморда сифатли тиббий текширув ва даволаш муолажаларини ўтказиш имконини беради. Бу ўз навбатида халқимизнинг узоғини яқин, мушқулини осон қилибгина қолмай, иқтисодий жиҳатдан ҳам қулайликлар яратади. Марказ амалиётида йўлга қўйилиши кутилаётган яна бир таъриба – телемедицина тизимидир. Амалиётнинг мазкур янги тури офтальмология соҳасидаги даволаш ишларининг услубий муаммоларини масофадан туриб ҳал қилиш имконини бериш баробарида, оғир ва мураккаб вазиятларда етук мутахассислар билан ҳудудларнинг ўзидан туриб боғланиш, зарурий маслаҳатлар олиш имкониятини яратади. Ўтган қисқа вақт мобай-



Хулоса ўрнида айтиш муҳимки, бўлиб ўтган конференция доирасида АҚШнинг "Lions Eye Institute for Transplant and Research" кўз банки олимлари томонидан шох пардадан оғир касалликлар бўйича "жонли жарроҳлик", марказ мутахассислари учун маҳорат дарслари, шох парда дистрофияси касаллигини даволашнинг энг замонавий жарроҳлик усули ҳисобланувчи шох парда кўчириб ўтказишнинг "олтин стандарти" – DMEK, DSEK, яъни шох парда орқа қаватларини алмаштириш амалиёти олиб борилди. Шунингдек, тадбирда махсус сертификатлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

Сотрудничество ИНОВАЦИОННОЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ

В целях внедрения инновационной модели управления здравоохранением и продвижения инновационных идей по формированию здорового образа жизни среди населения 12 октября текущего года был организован визит председателя Национальной палаты инновационного здравоохранения Р. Изамова и заведующего кафедры «Валеологии» Ташкентского института усовершенствования врачей д.м.н., проф. Ш. Иргашева в «пилотную» Самаркандскую область. В ходе визита состоялась деловая встреча с и.о. хокима Э. Турдимовым и руководителем управления здравоохранением Самаркандской области Д. Жуманисовым.

Представители рабочей группы обсудили вопросы организации и материально-технического оснащения валеологических кабинетов в учреждениях первичной медико-санитарной помощи, а также решения плана мер по внедрению инновационных идей в формировании здорового образа жизни среди населения.

Для непосредственного ознакомления с планируемыми валеологическим кабинетом и обсуждения организационных вопросов, стороны посетили семейную поликлинику № 2. Р. Изамов также ознакомился с деятельностью центра молодой семьи, кабинета девочек-подростков, дневного стационара функционирующих в поликлинике, а также с условиями, качеством предоставляемых медицинских услуг населению, особенно беременным женщинам, провел беседу с сотрудниками и дал необходимые указания по поводу улучшения деятельности поликлиники. В ходе встречи было обговорено открытие типовых валеологических кабинетов еще в 10 семейных поликлиниках города Самарканда.

Председатель Национальной палаты инновационного здравоохранения также встретился с ректором Самаркандского государственного медицинского института, профессором А. Шамсиевым, где он ознакомился с кредитно-модульной системой образования, внедренной Самаркандским государственным медицинским институтом в 2013 году, инновационными учебно-методическими программами по подготовке кадров, стандартами лечения и наложенным опытом международного сотрудничества института.

Также в день визита председатель Национальной палаты встретился с врачами общей практики и руководителями городских семейных поликлиник, обучающимися на выездном цикле по направлению «Валеология» — основная наука оздоровительной медицины» организованном в Самаркандском областном региональном центре реабилитации инвалидов, предоставил информацию курсантам о деятельности Национальной палаты инновационного здравоохранения Республики Узбекистан.

13 ноября текущего года состоялась деловая встреча председателя Национальной палаты инновационного здравоохранения Республики Узбекистан Ровшана Изамова с исполняющей обязанности директора Агентства США по международному развитию USAID в Узбекистане госпожой Дэйна Биган. Госпоже Биган сопровождала специалист по развитию программ USAID в Узбекистане Анна Мельцер и специалист по управлению проектами здравоохранения Флора Салихова. В ходе встречи представители обеих сторон поделились целями и задачами, стратегическими подходами их решения, обсудили нынешние проблемы здравоохранения. Также, обговорили вопросы о взаимном сотрудничестве в соответствии приоритетов двух организаций.

Стороны договорились плодотворно работать над улучшением качества предоставляемых медицинских услуг населению, внедрения инновационной модели управления здравоохранением.

Севад НАСИРОВА.

Ислохот одимлари

ҲАР БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДА

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ эл соғлиғини мустаҳкамлаш, айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастури қабул қилинди. Сўнгра унинг мантиқий давоми сифатида бир қанча умуммиллий дастур ва ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқибли, ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатишининг миллий модели яратилди.

– Шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари энг янги замонавий тиббий ускуналар билан таъминланмоқда. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда туман аҳолисига марказий шифохона, «Кўкдала» ҳудудий шифохонаси, юқумли касалликлар, 3 та поликлиника, 8 та қишлоқ оилавий поликлиника, 10 та қишлоқ врачлик пунктлари 17 та тез ёрдам постларида 310 нафар шифокор, 25853 нафар ўрта тиббиёт ходимлари маллали хизмат кўрсатиб келишмоқда, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Тўлқин Ашуров. – Бугунги кунда юртимизнинг барча жойларида, айниқса чекка қишлоқларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари изчил олиб боришмоқда.

Юртимизда тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотларни ўтган йиллардаги жараёнлар билан таққослаб кўрсак, ижобий ўзгаришлар яққол намоён бўлади. Халқимизнинг тиббиётга бўлган муносабати ўзгарди. Тиббиёт ходимлари ҳам халқ билан ўтказилаётган мулоқотлар орқали касбий маҳоратларини ошириш, ўз устида ишлаш борасида тегишли ҳуслосалар чиқармоқда. Бу ишлар, албатта, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасидир. Мазкур фаолиятлар жараёнида, аввало, асосий эътибор оналик ва болалик муҳофазасига қаратилди. Хусусан, ўтказиб келаётган «Туғиш ёшидаги аёллар, ўсим қизлар ва болаларни соғломлаштириш» ҳафталикларини алоҳида таъкидлаш лозим.

– Бундай тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган ойларида 85201 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиб уларнинг 64,9 фоизиди экстрагенитал касалликлар аниқланиб соғломлаштирилди, – дейди туман кўп тар-

моқли марказий поликлиника мудирин Баҳодир Раҳимов. – Қизларни эрта турмушга узатиш, қариндошлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу боис ҳудудда хотин-қизлар кўмиталари ҳамда ФХДЕ бўлимлари ҳамкорликда ўрта таълим муассасаларида никоҳ ёши, никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти ҳақида ёшларга тушунчалар берилмоқда.

Бугунги ёшлар кекаги ёшлардан кескин фарқ қилади. Уларнинг дунёқароши, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгача. Бу эса биздан ёшларга қуруқ насихатгўйлик билан эмас, балки юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни жонли мулоқот ва аниқ ҳаётий мисоллар билан тушунтириш лозимлигини аниқлади. Шу боис, ОИТВ/ОИТС касаллигининг олдини олишга қаратилган турли танловлар, давра суҳбатлари ва учрашувлари ташкил этилапти.

– Патронаж ойларида аҳолининг барча қатламлари тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Жалб этилган тиббиёт ходимлари ҳар бир хонадонда бўлиб, кексалар, аёллар ва болалар ҳолидан хабар олиб, касалликларни юзага келтириши лозим бўлган оимиларни чўқур ўрганишмоқда, – дейди 2-терапия бўлим бошлиғи Худойберди Бойбутаев. Айниқса, туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ойлик давомида ҳар бир маҳалла, таълим муассасаси, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи асослари, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш ҳамда касалликларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Фарзанд соғлом бўлса она ҳаммаша бахтиёрдир. Шу боис, «Соғлом она-соғлом бола» тамойили остида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар эзгу мақсад муддаоларни кўзда тутганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.

Акмал АЛЛАМУРДОВ.

Объявление

Объявление для принятия на вакантную должность Министерства здравоохранения Республики Узбекистан

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан осуществляет реализацию проекта «Оснащение лабораторным оборудованием центров Госсанэпиднадзора Республики Узбекистан», финансируемого Исламским банком развития (ИБР). В рамках проекта центры Госсанэпиднадзора по всей республике будут оснащаться современным лабораторным оборудованием, а также будут проводиться соответствующие тренинги сотрудников центров. Для достижения целей проекта, Министерство здравоохранения приглашает работников для прохождения открытого отбора на следующую вакантную должность:

Специалист по закупкам

Должностные обязанности: под руководством руководителя Объединенной группы реализации проектов (ОГРП), специалист по закупкам должен обеспечивать координацию действий по закупкам в рамках проекта с целью своевременного выполнения плана закупок в соответствии с соответствующими нормами и правилами Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и процедурами ИБР.

Требования к квалификации

Опыт:

- 3-летний опыт работы в сфере международных закупок;
- опыт работы в проектах, финансируемых за счет международных финансовых институтов приветствуется.

Образование:

- высшее образование в области экономики или финансов;
- образование в сфере закупок/поставок приветствуется.

Другие навыки:

- знание INCOTERMS 2010, основных правил таможенной очистки;
- высокий уровень владения устным и письменным узбекским, русским и английскими языками;
- умение качественно работать с текстовыми файлами, таблицами и графическими программами (MS Word, Excel, Power Point).

Продолжительность работы:

Контракт с отобранным кандидатом будет заключен сроком на один год или до завершения проекта, в зависимости от того, что наступит ранее. Первые три месяца работы являются испытательным сроком. Контракт будет продлеваться в зависимости от удовлетворительного исполнения должностных обязанностей, что ежегодно будет оцениваться Министерством здравоохранения, с учетом мнения ИБР.

Заинтересованные кандидаты должны направить свое резюме на ниже указанный адрес электронной почты до 10 декабря 2018 года.

Министерство здравоохранения
Республики Узбекистан

Объединенная группа реализации проектов
100011, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Навои, 12
Тел./факс: (99871) 268-25-39 (124),
E-mail: akhunjon.sapaev@minzdrav.uz

Job vacancy announcement from Ministry of Health of Uzbekistan

Ministry of Health of Uzbekistan is implementing a Project equipping State Sanitary Epidemiological Supervision Centers with laboratory equipment under the financing by Islamic Development Bank (IDB). The Project Scope encompasses provision of modern analytical laboratory equipment for State Sanitary Epidemiological Supervision Centers throughout the country and related personnel training. Ministry of Health, for the achieving of the Project's goals and objectives, would like to recruit employee through open competition and merit based selection for the following position:

Procurement specialist of the Project

Duties & Responsibilities: under the general supervision of the Director of United Project Management Unit (UPMU), the incumbent is responsible for, but not limited to, coordination of procurement under the project to ensure timely implementation of the procurement plan in accordance with the applicable regulations of the Republic of Uzbekistan and the procedures of the IDB.

Qualification requirements

Experience:

- at least 3 years of experience in the implementation of procurement;
- experience of procurement in projects financed by international financial institutions is an advantage.

Education:

- university Degree in economics or finance;
- education in the area of procurement is the preferred.

Other skills:

- knowledge of INCOTERMS 2010, the customs procedures;
- must possess excellent communication skills in Uzbek, Russian and English, both written and spoken;
- ownership of skills in word processing programs, spreadsheets, graphics programs (MS Word, Excel, Power Point).

Assignments' duration:

The contract with the selected candidate will be concluded for the period of one year or until the completion of the project, depending on which comes first. First three months will be a probation period. The contract will be extended depending on satisfactory performance of the functional responsibilities of the employee as it will be annually evaluated by the Ministry of Health, considering IDB opinion.

Interested candidates should submit their CV to the e-mail address below by December 10, 2018.

Ministry of Health of Uzbekistan
United Project Management Unit
700011, 12 Navoi str., Tashkent, Uzbekistan
Tel./fax: (99871) 268-25-39 (124),
E-mail: akhunjon.sapaev@minzdrav.uz

Хамкорлик

ТАБОБАТ ИЛМИДА ЯНГИ УФҚЛАР

Бугунги кунда Президентимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳаётият раънақиди долзарб аҳамият касб этувчи соҳалар тараққиётини белгилаб беришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Улар ижросини таъминлаш борасида эса зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизими ва унинг барча йўналишлари каби халқ таъботи соҳасини тартибга солиш ҳамда ривожлантириш масалалари тўғрисида ҳам аини шундай дейиш мумкин.

Жорий йилнинг 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жанубий Корея соғлиқни сақлаш саноатини ривожлантириш институти ҳамкорлигида Тошкент тиббиёт академияси тасаруфидида диетология маркази негизиди Халқ таъботи маркази фаолияти йўлга қўйилди. Амалдаги халқаро ҳамкорлик алоқалари кўламини кенгайтириш, фаолиятлар асосини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган марказнинг фойдаланишга топширилишига бағишлаб ўтказилган тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев сўзга чиқиб, Ўртобшомиз раҳнамолигида тиббиёт тизимиди олиб борилаётган ислохотлар самарасига тўхталиб ўтди. Жумладан, ушбу марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам фаолиятларни янада такомиллаш-

тириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга муносиб ҳисса қўишини алоҳида таъкидлади.

Ким Хи ДЖОНГ,
Корея тиббиёти ва глобал соғлиқни сақлаш департаменти раҳбари:

— Икки томонлама ҳамкорликда ташкил этилган мазкур марказда халқ таъботининг замонавий илмлар асосида такомиллаштирилган усулларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилади. Шунингдек, бу ерда ёш мутахассислар ҳамда магистр талабаларнинг халқ таъботи йўналишидаги билими ва кўникмаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Аини пайтда Корея ва Ўзбекистон халқ таъботини батафсил таққослаш имкониятига эга бўлганим йўқ, аммо марказ фаолиятидаги изланишлар асосида масаланинг мазкур жиҳати ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Энг

асосийси, мамлакатларимиз ўртасидаги соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ҳамкорлик муносабатлари янада мустаҳкамлашини таъминлайди.

Шухрат БОЙМУРОДОВ,
Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича биринчи проректори:

— Кейинги икки йил мобайнида олиб бориладган ўзаро ҳамкорлик музокалари натижасида мазкур марказ фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлинди. Бундан кўзланган мақсад ва муассасанинг амалга оширадиган асосий вазифалари Шарқ, Жанубий Корея, Хитой, умуман олганда Осиё таъботини умумлаштирган ҳолда соҳани муҳаммал ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, марказда мамлакатимиз ҳамда корейлик мутахассислар томонидан бевосита тиббий маслаҳат ва тавсиялар бериб борилиши баробарида амалий ёрдам кўрсатилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, талаба ҳамда магистрлар халқ таъботи йўналишида таълим олиш, қолаверса, амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир доирасида Тошкент врачлар малякасини ошириш институти би-



лан ҳамкорликда мамлакатимиз тиббиёт ходимлари учун корейлик мутахассислар иштирокида ўқув семинарлари ҳам ташкил этилди.

Пак Джон СЫН,
Чонг-Ён халқаро клиника маркази директори:

— Президентингизнинг қарори билан мамлакатингизда халқ таъботи соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳамкорликдаги фаолиятларимизни жадаллаштиради. Аиникса, ушбу жараёнлар бизнинг мамлакатимизда ҳам Корея халқ таъботини Фарб таъботи билан умумлаштирган ҳолда давлат сурғурта тизимига кириштириш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилаётган бир пайтга тўғри келгани бизни қувонтирди. Бу эса

Фарб ва Шарқ тиббиётини бирлаштирган ҳолда беморларга кўмак бериш имкониятини кенгайтиради. Зеро, институти-миз олдида қўйилган мақсадлар ҳам шундан иборатдир. Мамлакатингизда яратилган шарт-шароитлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўллаб-қувватлаш натижасида Тошкент шаҳрида ҳам шифохонамиз филиалининг фаолиятини йўлга қўйиш арафасида турибмиз. Бугунги семинарда эса халқ таъботи йўли билан махсус даволаш усуллари ҳақида маърузалар ўқиб эшиттирилади.

Умид қиламанки, бу икки томонлама ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хасан АБДУЛГАНИЕВ.

Тиббий кўрик

АСОСИЙ ЭЪТИБОР - АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗАЛАШ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, тиббий саводхонлигини ошириш, тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, бу борада Давлатимиз ҳамда Ҳукуматимизнинг қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилиниб, нафақат Республика тиббиёт марказлари, балки бирламчи тизим муассасаларининг моддий-техника базаси тубдан яхшиланмоқда.

да чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ўтказиб келмоқда-миз. Асосий эътиборимиз аҳоли саломатлигини муҳофаза-лашга қаратилган. Жумладан, бугун 5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган "Тикланиш" маҳалласида ҳам амалга оширишмоқда-

хонаси ортопеди ҳам жалб қилинди. Кардиолог, умумий амалиёт шифокорлари бириктирилган 18 та хонадонга бориб, маҳалла марказига чиқа олмаган кекса беморларнинг саломатлигини текширишди. Аниқланган касалликлар бўйича тегишли муассасалар-

мат кўрсатаётган бир пайтда биз бундан фойдаланмасак, уларнинг меҳнати қадрсизланишига сабаб бўлади, назаримда. Шу ўринда ҳудудимиздаги 52-сонли оилавий поликлиника томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларни



Қолаверса, инновацион ғоялар амалиётга татбиқ этилиб, малакали кадрлар билан таъминланмоқда. Бир сўз билан айтганда, биргина муассасанинг ўзида эмас, аксинча, ҳудудларда аҳоли саломатлигини кўздан кечириш, маҳаллаларда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар халқ қабулхонаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорлигида пойтахтимизда чуқурлаштирилган тиббий кў-

риклар ўтказиб келинмоқда. Куни кеча мазкур тадбир Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 52-сонли оилавий поликлиника томонидан ҳудуддаги "Тикланиш" маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Маҳалла аҳолиси шу куни барча тор соҳа мутахассислари, лаборатория, УТТ ҳамда ЭКГ текширувларидан ўтишди.

— Ҳудудимиздаги 16 та маҳалла, 79 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқдамиз, — дейди 52-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Нодира Маннонова. — Тўзилган режа асосида поликлиникамиздан узокроқ жойлашган маҳаллалар-

миз. 14 нафар ётоқли бемор ушбу тадбирга жалб қилинди. 105 нафар ҳомиладор аёл, 127 нафар 1 ёшгача бўлган боланинг саломатлиги шифокорларимиз назоратида. Бу борада маҳалла раислари, фаоллари бизга ақиндан ёрдам беришмоқда. Мақсад бир, яъни ҳамкорликда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уюлмаган аҳолини ҳам қамраб олишдир. Бугунги тиббий кўрикка умумий амалиёт шифокорлари, ҳамширалари, тор соҳа мутахассислари, балки 7-шаҳар клиник шифохонаси болалар невропатологи, Тери-таносил диспансери мутахассиси, 5-сонли болалар шифо-

га йўлланмалар берилди ва дори-дармон воситалари билан таъминланди.

— Ёшим 51да, — дейди "Тикланиш" маҳалласи фуқароси Умида Салиханова. — Оила аъзоларим билан тиббий кўрикдан ўтдик. Менда невропатолог остеохондороз касаллиги борлиги учун тегишли даво муолажаларини буюрди. Набирам, келинларимнинг саломатлиги жойиди экан. Натижаларни кўриб, кўнглим хотиржам бўлди. Негаки, касаллигининг олдини олиш ҳам осон, ҳам арзон кечади. Қолаверса, шифокорларнинг барчаси маҳалламизга келиб бепул тиббий хиз-

мат кўрсатаётган бир пайтда биз бундан фойдаланмасак, уларнинг меҳнати қадрсизланишига сабаб бўлади, назаримда. Шу ўринда ҳудудимиздаги 52-сонли оилавий поликлиника томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларни

Мухтасар қилиб айтганда, изчиллик билан амалга оширилаётган бу каби эзгу фаолиятлар мамлакатимизда инсон саломатлиги ва халқ нафақатлари ҳар нарсадан устун эканлигига яна бир мисолдир.

Жонибек МАЪРУПОВ.
Муаллиф олган суратлар.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақоалалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кун
руйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва сахифаланди.

Адади 2284 нусха.
Буюртма Г-1137.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти - 20.00.